



БИР КУНДА 31 КИШИ ИШЛИ БЎЛДИ

Зангиота туманининг Хонобод қишлоғида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими томонидан ташкил этилган бу тадбирда саккизта корхона ва ташкилот 102 та бўш иш ўрни билан қатнашди.

Шу кунги 31 нафар иш изловчи «Сингапур – Самарқанд», «Nil Text sisketi», «Тошкент агро-саноат», «Бахтиёр-транс», «Фаровон» масъулияти чекланган жамиятлари, туман марказий шифонаси сингари корхона ва муассасаларга ишга жойлаштирилди.

Ўтган тўрт ой мобайнида ту-

манда 839 та, шу жумладан аёллар учун 352 та янги иш ўринлари яратилди.

— Биргина касаначилик билан шуғулланишга 65 киши жалб қилинди, — дейди меҳнат бўлими бошлиғи Шокир Бобомуродов. — Улар шартнома асосида меҳнат қилмоқдалар.

Юсуф ЖУМАЕВ.

СУРАТЛАРДА:

Хонобод қишлоғида ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркаси лаҳзалари. Даврон АХМАД олган суратлар.



СУВ – ҲАЁТ МАНБАИ

Сув инсон, жониворлар, ўсимликлар дунёси, ҳуллас бутун борлиқ учун зарур бўлган тириклик омилдир.

Ер қуррасининг қарийб иккидан уч қисmini сув ишғол этади, бу эса ер юзасининг 70 фоизидан ортиқ майдони сув билан қопланган деганидир. Қуруқликнинг ҳам 3 фоизи дарё ва кўللardan ташкил топган бўлиб, 16 миллион квадрат километрдан ортиқ ҳудуд Антарктида ва Грелландия музликларига тўғри келади. Агар ердаги бутун сув планета юзига бир хил қалинликда тақсимланса, қалинлиги 4 километр бўлган сув қатлами ҳосил бўлади.

Ердаги сув ресурсларидан фақат 0,31 фоизигина фойдаланишга яроқли ҳисобланади. 2,5-3 километр чуқурликда ер ости сувлари қайноқ ҳолда ёки буг ҳолатида бўлади.

Юқорида зикр этилган рақамлар ер қуррасида жуда кўп миқдорда сув мавжуд дегани эмас. Олимларнинг фикрича, ер усти ва остидаги чуқур сувлар 100 миллиард киши эҳтиёжига ҳамда саноат, қишлоқ ҳўжалиги учун етарли манба ҳисобланади. Бироқ, ҳозирга қадар чуқур сув муаммоси муайян сабабларга кўра долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Сув танқислигига сабаб ҳавзаларнинг нотекис жойлашганига эмас, балки сувдан тўғри фойдаланмаслик ва манбаларнинг ифлосланишидир.

Инсон саломатлигига сувнинг ўрни катта. Олимларнинг таъкидлашича, 60 ёшли кишининг организмида 65-70 фоиз сув бўлади. Сув киши аъзоларининг бир қисми бўлиб, организмнинг яшаш жараёнида ҳароратни яхши сақлайди, турли хил моддаларни эритишга, тузлар ва бошқа моддаларни ионларга парчалайди, организмда ҳаётий муҳитни яратди.

Сувнинг организмдаги ҳизматларидан яна бири шунки, у ошқозонда овқат ҳазм қилиш жараёнида бевосита иштирок этиб, мускулларнинг қисқаришида ёрдам беради. Шунингдек, моддалар алмашинуви натижасида ҳужайра ва тўқималарда ҳосил бўладиган захарли чиқандиларни ташқарига чиқаришда, ана шу тўқима ва ҳужайраларга керакли озиқ моддаларни етказиб беришда иштирок этади.

Тимур АБДУЖАБОРОВ,
Тошкент Молия институти талабаси.

Ўзбекистон тарихи давлат музейида 18 май – Халқаро музейлар кунига бағишланган конференция бўлиб ўтди. Унда олимлар, музейшунослар, ўқувчилар, маънавият ва маърифат тарбиотчилари иштирок этди.

МУЗЕЙЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

Тадбирда Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти Саидхорр Ғуломов, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Минхожиддин Мирзо, Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори Жаннат Исмоилова ва бошқалар ҳар бир мамлакат тарихи, илм-фани, маданияти ва санъатини жаҳонга танитиш, ўзлини англашда, ёшлар қалби ва онгига миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини чуқур сингдиришда музейларнинг аҳамияти фоят катта эканини таъкидладилар.

Музейларимиз фаолиятини янада яхшилаш, уларни янги экспонатлар билан бойитиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида юртимизда кенг қўламли ишлар амалга оширишмоқда. Бу борада дав-

латимиз раҳбарининг 1998 йил 12 январда қабул қилинган "Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида"ги фармони муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Айни пайтда соҳани янада такомиллаштиришда жаҳоннинг нуфузли музейлари билан ҳамкорликнинг йўлга қўйилгани эътиборга моликдир. Бундай эзгу юмушлар музейларимизга нафақат юртимиздан, балки жаҳоннинг турли мамлакатларидан ташриф буюраётган зиёратчиларнинг йил сайин ортишига ҳизмат қилмоқда.

Анжуман якунида "Қўҳна олам сирлари" китоб-альбоми-нинг тақдими бўлиб ўтди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган анъанавий "Сиз қонунни биласизми?" республика кўрик-танловининг мамлакат босқичи Жиззах шаҳрида якунланди.

СОВРИНДОРЛАР АНИҚЛАНДИ

Барча шартлар бўйича пешқадамлик қилган Қарши Давлат университети қошидаги 2-академик лицейнинг "Ахурамазда" жамоаси олий ўринга муносиб топилди. Биринчи ўринни Жиззах вилояти Зарбдор туманидаги 2-иқтисослашган мактабнинг "Хумо" гуруҳи, кейинги ўринларни Хоразм вилояти Гурлан тумани қишлоқ ҳўжалик касб-ҳунар коллежининг "Қалқон" ҳамда Бухоро шаҳридаги иқтисодиёт ва банк коллежининг "Истикбол" жамоалари эгаллади.

ЎЗА.

ТАНЛОВ ДАВОМ ЭТАДИ

Оммавий ахборот воситалари, ахборот агентликлари ва интернет нашрларида мамлакат ҳаётининг устувор ва долзарб йўналишларини кенг ёритиш, аҳолининг фуқаролик позициясини шакллантириш, республиканинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини юксалтиришда журналистларнинг иштирокини кенгайтириш ва фаолиятини рағбатлантириш ҳамда босма ва интернет нашрларини жамият тейков, ҳолис ва ҳаққоний, таҳлилий жиҳатдан юксак савияда ёритилган материаллар билан бойитиш, журналистларнинг профессионал маҳоратини ва ижодий фаоллигини ошириш мақсадида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди республикада босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ўртасида ўтказилган "Жамият ва Мен" танлови давом этади.

Танлов шартлари
Танловга жамият учун муҳим аҳамиятга эга, мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, маърифий-маданий, ҳуқуқий соҳалардаги ислохотларнинг боришини, тиббиёт, таълим, кадрлар тайёрлаш, тадбиркорлик ва спортни ривожлантиришга йўналтирилган дастурларнинг амалдаги ижросини ёритишга бағишланган ижодий ишлар тақдим этилади.

Тақдим этилган материаллар ўзбек ёки рус тилларида тайёрланган, 2 нусхада бўлиши керак.

Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади.

Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми,

циялар бўйича ўтказилади:

— энг яхши таҳлилий мақола;

— энг ўткир танқидий мақола;

— энг яхши журналист текшируви;

— интернетдаги энг яхши мақола;

— энг муфассал шарҳ;

— энг яхши фоторепортаж;

— йил дебюти (талаба-журналистлар учун).

Танлов шартлари

Танловга жамият учун муҳим аҳамиятга эга, мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, маърифий-маданий, ҳуқуқий соҳалардаги ислохотларнинг боришини, тиббиёт, таълим, кадрлар тайёрлаш, тадбиркорлик ва спортни ривожлантиришга йўналтирилган дастурларнинг амалдаги ижросини ёритишга бағишланган ижодий ишлар тақдим этилади.

Тақдим этилган материаллар ўзбек ёки рус тилларида тайёрланган, 2 нусхада бўлиши керак.

Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади.

Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми,

профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспортга оид) маълумотлар илова қилинади.

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар босма ва интернет нашрларида, «Жамият ва Мен» танловига» рўқнида 2006 йилнинг 1 сентябидан – 2007 йилнинг 10 июнига қадар чоп этилган бўлиши шарт.

Танлов ғолиблари «Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни» байрами арафасида аниқланиб тақдирланадилар.

Танловни ўтказиш тартиби

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар етакчи журналистлар, жамоат ташкилотлари, ҳамгармалар, манфаатдор

идора ва муассасалар вакилларидан иборат нуфузли хайъат томонидан кўриб чиқилади ва баҳоланади.

Ғолиблар аниқлашда мавзунинг долзарблиги, иш мазмунининг ижтимоий аҳамияти, материални ёритишдаги аниқлик ва ўзига ҳослик, профессионал маҳорат асосий мезон ҳисобланади.

Танловга топширилган ижодий ишлар тақриз қилинмади ва қайтарилмади.

Танлов ғолибларига мукофотлар

Ҳар бир номинация бўйича танлов ғолиблари Фонд томонидан таъсис этилган диплом, рақамли фотоаппарат ва диктофон билан тақдирланадилар.

Материаллар ва уларга ҳисобот кўринишидаги маълумотлар «Жамият ва Мен» танловига» деган кайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига 2007 йил 15 июнига қадар қуйидаги манзил орқали жўнатилса:

Тошкент шаҳри – 100 129. Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 5-хона. Телефон/факс: 144-12-51.

www.mmf.uz. e-mail: mmf@uzrak.uz

Ташкилий кўмита.

Бир шикоят изуган

АВВАЛ БОҒГА БОҚ, СЎНГ...

Тахририятга Оққўрғон тумани, Дўстлик қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Ҳалима Усмоновадан шикоят мактуби келди. Унда ёзилишича, тумандаги «Оққўрғон» ширкат ҳўжалиги тугатилгач, 2006 йилда хат муаллифининг ўғли Хусан Усмонов 1997 йилдан бўён оилавий пудрат асосида парваришлаб келган 2 гектар боғни шартнома асосида ўз тасарруфига олиб, «Умнат-Ҳалима» фермер ҳўжалигини ташкил этган. Бироқ, айни кунда фермер ҳўжалиги 1,7 гектар ердан фойдаланмоқда, холос. 30 сотих ер эса фуқаро Жаҳонгир Хусановга тегишли. Туман раҳбарлари бу масалани ҳамон ҳал этиб бермаётганлари баён этилган.

Шикоятда келтирилган шу ва бошқа арзларни ўрганиш мақсадида Оққўрғон туманида бўлди.

Туман ҳокимлиги мутасаддилари шикоятни ўқиб кўриб:

— Биз бу оиланинг шикоятларини ўрганавериш, жуда қарчадик, — дейишди. — Ҳали вилоят ҳокимлигига, ҳали адлия бошқармасига шу мазмунда шикоятлар йўллайди. Аммо барчаси асоссиз бўлиб чиқмоқда.

Туман мутасаддиларининг фуқаро мурожаатига муносабатлари аввалига бизни ажаблантирди. Аммо вазиятни жойида ўрганишимизда бунинг беҳиз эмаслигига ғувоҳ бўлди.

— Бу боғдан деярли ҳосил ололмаймиз, — дейди фермер Хусан Усмонов. — Чунки, боғ ёнидаги ерга Жаҳонгир Хусанов шили экиб, ҳаммаёқни захлатиб юборди. Ҳозир ҳам пилёз экиб қўйган. Эртага уни суғорганда бизга ё сув бермайди ёки чор атрофга тошириб юборди.

— Ҳўжалигинингизнинг умумий ер майдони қанча ўзи? — сўраймиз ундан.

— 1,7 гектар.


— Шикоятда 2 гектар деб кўрсатгансизлар, 30 сотихдан Жаҳонгир Хусанов ноқонуний фойдаланаяпти, дегансизлар.

— Онам адашиб ёзганлар-да. Улар ҳам қариган чоғларида бу машамаларнинг ортидан югуравериш қарчадилар.

Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими ер тузувчиси Икром Қорабоевдан бу вазиятга изоҳ сўраганимизда, у шундай деди:

— Аслида фермер ҳўжалиги учун 1,7 гектар ер ажратилган. Боғ эса 1,5 гектар. Жаҳонгир Хусанов фойдаланаётган ер унга томорка сифатида ажратилган. Ж. Хусанов туман ҳокимлигига ариза билан мурожаат қилган. Ана шу жойда тузтор ташкил қилмоқчи. Ён-атрофдаги фойдаланилмай ётган ерларни ҳам текислаб, тозалаб, ўзлаштирмоқчи. Ҳаммасига тут эмокчи. Туман ҳокимлиги бунни маъқуллаган. Айни кунда ерда тегишли ҳўжатлар тайёрланмоқда. Бу ерда ҳеч қандай қонунбузарлик йўқ.

— «Умнат-Ҳалима» фермер ҳўжалиги раҳбарлари мен фойдаланаётган ерни ҳам ўзларига қўшиб олишмоқчи. Барча «ёз-ёз»лар шундан, — дейди Ж. Хусанов. — Аслида бу жой-



лар чакалақдор эди, отам бошчиларидан иборат бўлибди. Томорка сифатида қонуний расмийлаштирилганми...

Томонлар билан суҳбатлашар эканмиз шикоятдан мақсад нима эканлиги ойдинлашгандек бўлди.

— «Умнат-Ҳалима» фермер ҳўжалиги раҳбарлари боғдан оилавий пудрат асосида фойдаланган пайтларида ҳам, ҳозир ҳам бирор килограмм мева етиштириб, сотганлари ҳақида бизда ҳеч қандай маълумот йўқ, — дейди И. Қорабоев. — Ҳисоботларда доим «дўл урди», «чириб кетди» деб кўрсатилади. Аслида қонуний тарзда, қелишувларда кўрсатилган тартибда иш қўрилган бўлса, муддатидан илгари икки томонлама тузилган шартнома беркор қилиниб, боғ туман ҳокимлиги ер захирасига қайтариб олиниши керак.

Ҳақиқатан ҳам боғни айланар эканмиз мева дарахтларининг қаровсизлигига ғувоҳ бўлди. Аслида яхши ривожланмаган. Устига устак баҳор поёнлаётганига қарамай, бирорта дарахтга ишлов берилмади.

Бироқ Хусан Усмоновнинг бу ҳолни қўшни ерда шили экилиб, захлатиб юборилгани билан изоҳламоқчи бўлгани ажаблантирди. Чунки, Ж. Хусанов бор йўғи 2001 йилда шили эккан, холос.

Ахир боғга қараса боғ бўлади. Шундай экан асоссиз «ёз-ёз»лар билан ерни кенгайтириш ҳаракатида бўлмай, қичкинагина боғи гуллатиб, яшатиб қўйган яхши эмасми? Бу машамаларга бевосита алоқадор томонларнинг фикри шундай.

Фақат «Умнат-Ҳалима» фермер ҳўжалиги мутасаддилари бунни тан олмаяптилар.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

«ЎЗБЕККЎМИР»

очиқ акциядорлик бирлашмаси бошқарув кенгаши

мамлакат кўмир саноатининг ривожига самарали улуш қўшиб келаётган кончиларни, соҳанинг барча ходимларини анъанавий касб байрамлари —

Кон-металлургия саноати ходимлари кўни билан самимий қўтлайди.

Уларнинг кўмир тизимини модернизациялаш, техник жиҳатдан

қайта қуrollантириш бўйича 2000-2013 йилларга

мўлжалланган давлат дастурини амалга ошириш йўлидаги

саъй-ҳаракатларига омад тилайди.

Мустақил
Ўзбекистонимизнинг
жаҳон мамлакатлари
орасида обрў ва
нуфузи ошаверсин!



Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

ДУШАНБА 21	СЕШАНБА 22	ЧОРШАНБА 23	ПАЙШАНБА 24	ЖУМА 25	ШАНБА 26	ЯКШАНБА 27
O'ZBEKISTON 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00 «Тахлилнома». 8.45, 10.50, 11.10, 12.40, 14.15, 17.10, 17.40, 19.10, 20.00, 21.35, 23.45, 4.30 ТВ анонс. 8.50, 13.45, 17.15, 1.30 Олтин мерос. 9.00 «Гузалик сабоғи». 9.50 «Коинотдан келганлар». М/ф. 10.30 «Менинг университетим». 10.55, 13.55, 19.20, 20.50, 00.55, 3.55 Дунё иқлими. 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00, 1.00, 4.00 «Ахборот». 11.15 «Одаим эрсанг». 11.35, 4.55 «Минг бир ривоят». 11.40, 12.45 «Оқибат». Спектакль. 14.20 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». 15.10 «Ҳаёт манзаралари». 15.20 «Ватанпарвар». 16.20 «Мозий силари». 16.40 «Эртанлар – яхшиликка етаклар». 17.20 «Тупрокдаги мўъжиза». 17.45 «Ҳаёт ва қонун». 18.05 «Оҳанглар оғушида». 18.15 «Умр мазмуни». 18.40 «Ошин». 19.15 «Молия ва банк хабарлари». 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар. 20.05 «ТВ шифокор». 20.10 «Оила ришталари». 21.40 «Зуравонлик жазоси». 22.05 «Икки тақдир». 22.50 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш). 23.00, 5.05 Т/с «Бобур». 23.30 Тунги наволар. 23.50 «Суллола давомчилари». 00.20 «Муқаддас қадамжолар». 00.45 «Ҳаёт манзаралари». 1.40 «Чемпион силари». 2.00 «Чимилдик». Спектакль. 3.50 «Маргилон-2000». 4.35 «Икки дарё оралиғида». 5.35 Тонгги наволар.	O'ZBEKISTON 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00, 12.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00, 1.00, 3.00, 4.00 «Ахборот». 8.35, 10.20, 11.00, 11.10, 12.10, 13.00, 14.15, 16.20, 17.10, 17.40, 20.00, 21.35, 22.45, 23.55, 3.10, 4.30 ТВ анонс. 8.40, 13.45, 17.15, 1.30 Олтин мерос. 8.50 «23.5 даража бурчак остида». 9.15 «Ҳаёт манзаралари». 9.20 «Олтин тож». 9.25 «Рокки ва унинг дўстлари». 10.05 «Ҳаёт манзаралари». 10.15 «Ҳаёт манзаралари». 10.20 «Одаим эрсанг». 10.30 «Менинг университетим». 10.55, 13.55, 19.20, 20.50, 00.55, 3.55 Дунё иқлими. 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00, 1.00, 4.00 «Ахборот». 11.15 «Одаим эрсанг». 11.35, 4.55 «Минг бир ривоят». 11.40, 12.45 «Оқибат». Спектакль. 14.20 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». 15.10 «Ҳаёт манзаралари». 15.20 «Ватанпарвар». 16.20 «Мозий силари». 16.40 «Эртанлар – яхшиликка етаклар». 17.20 «Тупрокдаги мўъжиза». 17.45 «Ҳаёт ва қонун». 18.05 «Оҳанглар оғушида». 18.15 «Умр мазмуни». 18.40 «Ошин». 19.15 «Молия ва банк хабарлари». 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар. 20.05 «ТВ шифокор». 20.10 «Оила ришталари». 21.40 «Зуравонлик жазоси». 22.05 «Икки тақдир». 22.50 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш). 23.00, 5.05 Т/с «Бобур». 23.30 Тунги наволар. 23.50 «Суллола давомчилари». 00.20 «Муқаддас қадамжолар». 00.45 «Ҳаёт манзаралари». 1.40 «Чемпион силари». 2.00 «Чимилдик». Спектакль. 3.50 «Маргилон-2000». 4.35 «Икки дарё оралиғида». 5.35 Тонгги наволар.	O'ZBEKISTON 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00, 12.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00, 1.00, 3.00, 4.00 «Ахборот». 8.35, 9.15, 10.35, 11.10, 13.00, 14.15, 17.10, 18.35, 19.10, 20.00, 21.35, 22.45, 23.50, 4.30 ТВ анонс. 8.40 «23.5 даража бурчак остида». 9.05 «Кувнок стартлар». 9.15 «Ҳаёт манзаралари». 9.20 «Олтин тож». 9.25 «Рокки ва унинг дўстлари». 10.05 «Ҳаёт манзаралари». 10.15 «Ҳаёт манзаралари». 10.20 «Одаим эрсанг». 10.30 «Менинг университетим». 10.55, 13.55, 19.20, 20.50, 00.55, 3.55 Дунё иқлими. 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00, 1.00, 4.00 «Ахборот». 11.15 «Одаим эрсанг». 11.35, 4.55 «Минг бир ривоят». 11.40, 12.45 «Оқибат». Спектакль. 14.20 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». 15.10 «Ҳаёт манзаралари». 15.20 «Ватанпарвар». 16.20 «Мозий силари». 16.40 «Эртанлар – яхшиликка етаклар». 17.20 «Тупрокдаги мўъжиза». 17.45 «Ҳаёт ва қонун». 18.05 «Оҳанглар оғушида». 18.15 «Умр мазмуни». 18.40 «Ошин». 19.15 «Молия ва банк хабарлари». 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар. 20.05 «ТВ шифокор». 20.10 «Оила ришталари». 21.40 «Зуравонлик жазоси». 22.05 «Икки тақдир». 22.50 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш). 23.00, 5.05 Т/с «Бобур». 23.30 Тунги наволар. 23.50 «Суллола давомчилари». 00.20 «Муқаддас қадамжолар». 00.45 «Ҳаёт манзаралари». 1.40 «Чемпион силари». 2.00 «Чимилдик». Спектакль. 3.50 «Маргилон-2000». 4.35 «Икки дарё оралиғида». 5.35 Тонгги наволар.	O'ZBEKISTON 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00, 12.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00, 1.00, 3.00, 4.00 «Ахборот». 8.35, 9.15, 10.35, 11.10, 13.00, 14.15, 17.10, 18.35, 19.10, 20.00, 21.35, 22.45, 23.50, 4.30 ТВ анонс. 8.40 «23.5 даража бурчак остида». 9.05 «Кувнок стартлар». 9.15 «Ҳаёт манзаралари». 9.20 «Олтин тож». 9.25 «Рокки ва унинг дўстлари». 10.05 «Ҳаёт манзаралари». 10.15 «Ҳаёт манзаралари». 10.20 «Одаим эрсанг». 10.30 «Менинг университетим». 10.55, 13.55, 19.20, 20.50, 00.55, 3.55 Дунё иқлими. 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00, 1.00, 4.00 «Ахборот». 11.15 «Одаим эрсанг». 11.35, 4.55 «Минг бир ривоят». 11.40, 12.45 «Оқибат». Спектакль. 14.20 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». 15.10 «Ҳаёт манзаралари». 15.20 «Ватанпарвар». 16.20 «Мозий силари». 16.40 «Эртанлар – яхшиликка етаклар». 17.20 «Тупрокдаги мўъжиза». 17.45 «Ҳаёт ва қонун». 18.05 «Оҳанглар оғушида». 18.15 «Умр мазмуни». 18.40 «Ошин». 19.15 «Молия ва банк хабарлари». 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар. 20.05 «ТВ шифокор». 20.10 «Оила ришталари». 21.40 «Зуравонлик жазоси». 22.05 «Икки тақдир». 22.50 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш). 23.00, 5.05 Т/с «Бобур». 23.30 Тунги наволар. 23.50 «Суллола давомчилари». 00.20 «Муқаддас қадамжолар». 00.45 «Ҳаёт манзаралари». 1.40 «Чемпион силари». 2.00 «Чимилдик». Спектакль. 3.50 «Маргилон-2000». 4.35 «Икки дарё оралиғида». 5.35 Тонгги наволар.	O'ZBEKISTON 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00, 12.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00, 1.00, 4.00 «Ахборот». 8.35, 10.05, 11.10, 13.00, 14.15, 17.10, 20.00, 21.35, 22.50, 23.55, 4.30 ТВ анонс. 8.40, 17.15, 1.30 Олтин мерос. 8.50 «23.5 даража бурчак остида». 9.15 «Ҳаёт манзаралари». 9.20 «Олтин тож». 9.25 «Рокки ва унинг дўстлари». 10.05 «Ҳаёт манзаралари». 10.15 «Ҳаёт манзаралари». 10.20 «Одаим эрсанг». 10.30 «Менинг университетим». 10.55, 13.55, 19.20, 20.50, 00.55, 3.55 Дунё иқлими. 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00, 1.00, 4.00 «Ахборот». 11.15 «Одаим эрсанг». 11.35, 4.55 «Минг бир ривоят». 11.40, 12.45 «Оқибат». Спектакль. 14.20 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». 15.10 «Ҳаёт манзаралари». 15.20 «Ватанпарвар». 16.20 «Мозий силари». 16.40 «Эртанлар – яхшиликка етаклар». 17.20 «Тупрокдаги мўъжиза». 17.45 «Ҳаёт ва қонун». 18.05 «Оҳанглар оғушида». 18.15 «Умр мазмуни». 18.40 «Ошин». 19.15 «Молия ва банк хабарлари». 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар. 20.05 «ТВ шифокор». 20.10 «Оила ришталари». 21.40 «Зуравонлик жазоси». 22.05 «Икки тақдир». 22.50 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш). 23.00, 5.05 Т/с «Бобур». 23.30 Тунги наволар. 23.50 «Суллола давомчилари». 00.20 «Муқаддас қадамжолар». 00.45 «Ҳаёт манзаралари». 1.40 «Чемпион силари». 2.00 «Чимилдик». Спектакль. 3.50 «Маргилон-2000». 4.35 «Икки дарё оралиғида». 5.35 Тонгги наволар.	O'ZBEKISTON 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00, 12.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00, 1.00, 4.00 «Ахборот». 8.35, 9.50, 10.55, 13.00, 14.15, 17.05, 20.00, 21.35, 24.00, 4.30 ТВ анонс. 8.40, 13.45, 1.30 Олтин мерос. 8.50 «Олтин тож». 9.25 «Шифокор қабулида». 9.55 «Хидоят сари». 10.15 «Чинсан». 10.20 «Оила ришталари». 10.30 «Сиз кутган учрашув». 10.40 «Оила ришталари». 10.55 «Шарқ тароналари». 11.05 «Интеллектуал ринг». 12.05 «Икки тақдир». 13.55, 19.20, 20.50, 00.55, 3.55 Дунё иқлими. 14.20 «Етиб келдикми?». 14.30 «Минг бир маслаҳат». 16.10 «Ҳаёт манзаралари». 16.20 «Олтин тож». 17.10 «Сунгги кўнжирок». 17.30 «Шаксий фикр». 18.05 «Саломатлик силари». 18.25 «Оҳанглар оғушида». 18.35 «Мехр кўзда». 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар. 20.05 «ТВ шифокор». 21.40 «Хандаклар». 22.10 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS. Овоз бериш). 22.20 «КиноТантра». 22.45 «Каролина Лемб хоним». 23.45 Тунги наволар. 00.05 «Интеллектуал ринг». 00.50 «Маргилон – 2000». 1.40 «Янги кун». 2.40 «КиноТантра». 3.05 «Оҳанрабо». 3.45 «Бухоро». 4.35 Миллий кино «Тангалик болалар». 5.50 Тонгги наволар.	O'ZBEKISTON 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00, 12.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00, 1.00, 4.00 «Ахборот». 8.35, 9.30, 11.30, 14.20, 17.40, 19.15, 21.45, 00.25, 4.40 ТВ анонс. 8.40, 1.30 Олтин мерос. 8.50 «Курбақа малика». 9.35 «Саломатлик силари». 9.55 «Оҳанрабо». 10.35 «Мехр қолур». 11.35 «Оила ришталари». 12.10 «Сиз кутган учрашув». 12.50 «CINEMA.UZ». 13.15, 14.25 «Қасам». 15.25 Ватан ҳақида кўшиқлар. 15.35 «Оддий ҳақиқатлар». 16.25, 1.35 «Олтин тож». 17.45 «Оҳанглар оғушида». 17.55 «Одаим эрсанг». 18.20 «Олтин тож». 19.20, 20.50, 00.55, 3.55 Дунё иқлими. 19.25, 20.00, 20.55, 21.40 Эълонлар. 19.30, 21.00, 1.00, 4.00 «Тахлилнома». 20.05 «50/50». 21.50 «Қўша оҳанглар». 22.10 «Заковат». 22.30 «Каролина Лемб хоним». 00.10 Тунги наволар. 00.30 «CINEMA.UZ». 2.10 «Халқ уйинлари». 2.30 «Заковат». 3.30 «Қўша оҳанглар». 3.50 «Самарқанд – 2750». 4.45 Миллий кино «Қор кўйида лола». 5.50 Тонгги наволар.
YOSHLAR 16.00, 19.00, 22.00 «Давр». 16.15 «Ватаним». 16.20 «Улмас мусика». 16.45 «Уйимдаги фаршам». 17.05 «Матонат». 17.20 «Journal». 17.40 «Жасорат». 18.00 «Муъжизавий дунё». 18.50 «Кино-SMS». 18.55 «Икки». 19.30 «Оқшом кўнжироклари». 19.40, 20.40 «UzEX хабарлари». 19.50 «Ҳаёт манзаралари». 20.10 «ТВ-банк». 20.20 «Якшанба нонушаси». 20.45 «Омон бўлинг!». 20.50 «Зерда». 21.35 «Ешлик наволари». 21.55 «Икким». 22.30 «SMS-мусика». 22.50 «Қор алангаси». Т/с.	YOSHLAR 7.00, 15.00 «Янги тонг». 9.00, 13.15 «Даврининг боласи». 9.15, 20.45 «Омон бўлинг!». 9.20, 20.50 «Зерда». 9.55, 15.55, 18.55, 21.55 «Икким». 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр». 10.15, 16.15 «Ватаним». 10.20 «Юлдуз». 11.10, 19.50 «Ҳазал мулки». 11.30 «Интерфутбол». 13.30 «Ойболанинг саргузаштлари». 13.40 «Шум болалар». 13.50, 22.50 «Қор алангаси». 16.20 «Улмас мусика». 16.30 «ТВ-банк». 16.40 «Самарқанд – 2750 ёшда». 16.45 «Пойтахтдан узроқда». 17.00 «Ватанпарвар». 18.00 «Муъжизавий дунё». 18.50 «Кино-SMS». 19.30 «Оқшом кўнжироклари». 19.40 «Истикбол тимсоллари». 20.10 «ЮКЕР». 20.15 «KINOMANIYA». 21.35 «Ешлик наволари». 22.30 «SMS-мусика».	YOSHLAR 7.00, 15.00 «Янги тонг». 9.00, 13.15 «Даврининг боласи». 9.15, 20.45 «Омон бўлинг!». 9.20, 20.50 «Зерда». 9.55, 15.55, 18.55, 21.55 «Икким». 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр». 10.15, 16.15 «Ватаним». 10.20 «Хўш». 11.10, 19.50 «Ҳазал мулки». 11.30 «KINOMANIYA». 12.00 «Ватанпарвар». 13.30 «Ойболанинг саргузаштлари». 13.40 «Шум болалар». 13.50, 22.50 «Қор алангаси». 16.20 «Улмас мусика». 16.30 «ТВ-банк». 16.40 «Самарқанд – 2750 ёшда». 16.45 «Пойтахтдан узроқда». 17.00 «Ватанпарвар». 18.00 «Муъжизавий дунё». 18.50 «Кино-SMS». 19.30 «Оқшом кўнжироклари». 19.40 «Истикбол тимсоллари». 20.10 «ЮКЕР». 20.15 «KINOMANIYA». 21.35 «Ешлик наволари». 22.30 «SMS-мусика».	YOSHLAR 7.00, 15.00 «Янги тонг». 9.00, 13.15 «Даврининг боласи». 9.15, 20.45 «Омон бўлинг!». 9.20, 20.50 «Зерда». 9.55, 15.55, 18.55, 21.55 «Икким». 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр». 10.15, 16.15 «Ватаним». 10.20 «Хўш». 11.10, 19.50 «Ҳазал мулки». 11.30 «KINOMANIYA». 12.00 «Ватанпарвар». 13.30 «Ойболанинг саргузаштлари». 13.40 «Шум болалар». 13.50, 22.50 «Қор алангаси». 16.20 «Улмас мусика». 16.30 «ТВ-банк». 16.40 «Самарқанд – 2750 ёшда». 16.45 «Пойтахтдан узроқда». 17.00 «Ватанпарвар». 18.00 «Муъжизавий дунё». 18.50 «Кино-SMS». 19.30 «Оқшом кўнжироклари». 19.40 «Истикбол тимсоллари». 20.10 «ЮКЕР». 20.15 «KINOMANIYA». 21.35 «Ешлик наволари». 22.30 «SMS-мусика».	YOSHLAR 7.00, 15.00 «Янги тонг». 9.00, 13.15 «Даврининг боласи». 9.15, 20.45 «Омон бўлинг!». 9.20, 20.50 «Зерда». 9.55, 15.55, 18.55, 21.55 «Икким». 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр». 10.15, 16.15 «Ватаним». 10.20 «Хўш». 11.10, 19.50 «Ҳазал мулки». 11.30 «KINOMANIYA». 12.00 «Ватанпарвар». 13.30 «Ойболанинг саргузаштлари». 13.40 «Шум болалар». 13.50, 22.50 «Қор алангаси». 16.20 «Улмас мусика». 16.30 «ТВ-банк». 16.40 «Самарқанд – 2750 ёшда». 16.45 «Пойтахтдан узроқда». 17.00 «Ватанпарвар». 18.00 «Муъжизавий дунё». 18.50 «Кино-SMS». 19.30 «Оқшом кўнжироклари». 19.40 «Истикбол тимсоллари». 20.10 «ЮКЕР». 20.15 «KINOMANIYA». 21.35 «Ешлик наволари». 22.30 «SMS-мусика».	YOSHLAR 7.00, 15.00 «Янги тонг». 9.00, 13.15 «Даврининг боласи». 9.15, 20.45 «Омон бўлинг!». 9.20, 20.50 «Зерда». 9.55, 15.55, 18.55, 21.55 «Икким». 10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр». 10.15, 16.15 «Ватаним». 10.20 «Хўш». 11.10, 19.50 «Ҳазал мулки». 11.30 «KINOMANIYA». 12.00 «Ватанпарвар». 13.30 «Ойболанинг саргузаштлари». 13.40 «Шум болалар». 13.50, 22.50 «Қор алангаси». 16.20 «Улмас мусика». 16.30 «ТВ-банк». 16.40 «Самарқанд – 2750 ёшда». 16.45 «Пойтахтдан узроқда». 17.00 «Ватанпарвар». 18.00 «Муъжизавий дунё». 18.50 «Кино-SMS». 19.30 «Оқшом кўнжироклари». 19.40 «Истикбол тимсоллари». 20.10 «ЮКЕР». 20.15 «KINOMANIYA». 21.35 «Ешлик наволари». 22.30 «SMS-мусика».	
TOSHKENT 17.55 М/ф «Шумтакалар». 18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет». 18.25, 22.25 «Биласизми?». 18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт». 18.45, 21.25, 22.45 «Анонс». 18.50 «Гвадалупе». 19.30 «Музыка SMS». 19.50 «Саломат бўлинг». 20.15, 21.45 «ТВ юрист». 20.20 «Волки». 20.50 «Интервью». 21.00 «Жозиба». 22.10 «Аёл қалби». 22.50 Кино «История любви».	TOSHKENT 7.30 «Салом, Тошкент!». 8.30, 10.00, 11.20, 18.45, 21.25, 22.45 «Анонс». 8.35, 18.50 «Гвадалупе». 9.15, 18.25, 22.25 «Биласизми?». 9.20, 18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет». 9.40 «Химия». 9.55, 10.45, 20.15, 21.45 «ТВ юрист». 9.55, 11.15, 20.15, 21.45 «ТВ юрист». 10.05, 19.30 «Музыка SMS». 10.25, 19.30 «Музыка SMS». 10.35 «Саломат бўлинг». 10.45 «Туризм ҳақида». 11.25 Кино «История любви». 17.55 «Шумтакалар». 18.05, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт». 18.20 «Волки». 20.20 «Волки». 21.00 «Жозиба». 22.10 «Премьера». 22.50 Кино «Рокки Бальбоа».	TOSHKENT 7.30 «Салом, Тошкент!». 8.30, 9.50, 10.50, 18.45, 21.25, 22.45 «Анонс». 8.35, 18.50 «Гвадалупе». 9.15, 18.25, 22.25 «Биласизми?». 9.20, 18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет». 9.40 «Химия». 9.55, 10.45, 20.15, 21.45 «ТВ юрист». 9.55, 11.15, 20.15, 21.45 «ТВ юрист». 10.05, 19.30 «Музыка SMS». 10.25, 19.30 «Музыка SMS». 10.35 «Саломат бўлинг». 10.45 «Туризм ҳақида». 11.25 Кино «История любви». 17.55 «Шумтакалар». 18.05, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт». 18.20 «Волки». 20.20 «Волки». 21.00 «Жозиба». 22.10 «Премьера». 22.50 Кино «Рокки Бальбоа».	TOSHKENT 7.30 «Салом, Тошкент!». 8.30, 9.50, 10.50, 18.45, 21.25, 22.45 «Анонс». 8.35, 18.50 «Гвадалупе». 9.15, 18.25, 22.25 «Биласизми?». 9.20, 18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет». 9.40 «Химия». 9.55, 10.45, 20.15, 21.45 «ТВ юрист». 9.55, 11.15, 20.15, 21.45 «ТВ юрист». 10.05, 19.30 «Музыка SMS». 10.25, 19.30 «Музыка SMS». 10.35 «Саломат бўлинг». 10.45 «Туризм ҳақида». 11.25 Кино «История любви». 17.55 «Шумтакалар». 18.05, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт». 18.20 «Волки». 20.20 «Волки». 21.00 «Жозиба». 22.10 «Премьера». 22.50 Кино «Рокки Бальбоа».	TOSHKENT 7.30 «Салом, Тошкент!». 8.30, 10.00, 10.50, 18.45, 21.25, 22.45 «Анонс». 8.35, 18.50 «Гвадалупе». 9.15, 18.25, 22.25 «Биласизми?». 9.20, 18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет». 9.40 «Химия». 9.55, 10.45, 20.15, 21.45 «ТВ юрист». 9.55, 11.15, 20.15, 21.45 «ТВ юрист». 10.05, 19.30 «Музыка SMS». 10.25, 19.30 «Музыка SMS». 10.35 «Саломат бўлинг». 10.45 «Туризм ҳақида». 11.25 Кино «История любви». 17.55 «Шумтакалар». 18.05, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт». 18.20 «Волки». 20.20 «Волки». 21.00 «Жозиба». 22.10 «Премьера». 22.50 Кино «Рокки Бальбоа».	TOSHKENT 7.30 «Салом, Тошкент!». 8.30, 10.00, 10.50, 18.45, 21.25, 22.45 «Анонс». 8.35, 18.50 «Гвадалупе». 9.15, 18.25, 22.25 «Биласизми?». 9.20, 18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет». 9.40 «Химия». 9.55, 10.45, 20.15, 21.45 «ТВ юрист». 9.55, 11.15, 20.15, 21.45 «ТВ юрист». 10.05, 19.30 «Музыка SMS». 10.25, 19.30 «Музыка SMS». 10.35 «Саломат бўлинг». 10.45 «Туризм ҳақида». 11.25 Кино «История любви». 17.55 «Шумтакалар». 18.05, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт». 18.20 «Волки». 20.20 «Волки». 21.00 «Жозиба». 22.10 «Премьера». 22.50 Кино «Рокки Бальбоа».	
SPORT 7						

Китобингузну ўқигум

«Онаизор»... Вилотимизнинг баҳаво, сўлим масканларидан бири Тошсой қишлоғидан чиққан дилкаш шоир Барот Исроилнинг янги китоби ана шундай табаррук сўз билан атилибди. Шунинг учун бўлса керак, уни қўлингизга олишингиз билан вужудингизга аллақандай илиқлик югургандай бўлади. Китоб муқовасидан сизга боқиб турган мунис сиймодаги беғуборлик, маъсумлик, нигоҳларидаги оналаргагина хос улғуворликдан бир энтиқиб қўясиз ва уни ўқиб чиқмагунча, кўнглингиз тинчмайди, гўё онангиз билан суҳбатлашадигандек бўласиз. Кафтдаги жондек омонатгина онанинг сўнги кунлари, сўнги дақиқаларига ақдоқлаб, бошида парвона бўлган оқибатли фарзандга нисбатан меҳр туйғуларини ҳис эта-сиз.

КАФТДАГИ ЖОН

Тошсой қишлоғи оҳанрабо сингари доим ўзига тортади. У ерга киндик қоним тўқилгани учунми, билмайман, — дейди муаллиф. — Агар бирор зарур иш чиқиб, боролмай қолсам, келаси дам олиш кунига чиқиб қолсам. Менимча, Ватан соғинчи деганларини шу бўлса керак.

Бой ҳаётини тажриба, онадек азиз Ватан, Ватандек муътабар Она, қондош, жондош ҳамюртларга бўлган меҳр-муҳаббат сезилиб турган ҳар бир ҳикоя, ривоятлар ўқувчини оддий ҳаёт ҳақиқатлари, турли давр, замон ҳусусиятлари, мураккаб инсоний кечинмалардан оғох этилади, эзгуликка даъват қилади.

Бу савил уруш эрталоқ тугасайди, шунча азоблардан, очарчиликдан кутулари-мидик, — дейди онам эрта-лаб нонушта бита нонни иккига бўлиб қўярдик.

Шунингга ҳам шўрк қил, аллақайси шаҳарда катта киргин бўлиб, минглаб одамлар ўлибди. Атрофдаги қишлоқларда тирик жон қолмаган эмиш.

Бундай қизиқарли тарихий воқеалар тасвирланган ҳикояларни ўқиб баробарида кўнглида қандайдир безовталиқ, бедорлик сезасиз: шифоҳонада ётган онанинг ахволи-руҳияти қандай экан? Оёққа туриб кетармикан?! Шунингдек, китобда муаллифнинг қўшиқнавис шoir сифатидаги баракали ижоди билан ҳам танишасиз. «Настарин» (Юлдуз Умонова), «Тулпорларим» (Нурдин Хамроқулов), «Оҳангарон ўлими» (Тошпўлат Матқаримов) каби қўшиқлари аллақачон ҳалқимизнинг дил-дилига сингир кетган.

«Улан айтсанг жўшиб айт, Сўзни сўзга қўшиб айт. Телов, Тошсой, Оҳангарон, Сулуларин қўшиб айт...»

«Оҳангарон ўлими» деб номланган қўшиқ ҳалқ орасида «Айна-мон» номи билан машҳур бўлиб кетди. Ҳалқнинг диллагини тоғиб айта олиш ҳам катта фазилат. Шоиртабиат она Баҳор аянинг мақол, матал, лапар, ўланлари тинглаб ўлғайган ижодкорнинг ҳар бир шеърда она ўғитларининг таъ-

сири сезилиб туради. Устоз адиб Ойбек эътироф этганларидек, «ҳаёт бўлоғи»нинг нафасини туюсиз: «Дарбадар кезмаса ким, юрт қадрин билмас эмиш, Мусофир бўлмагунча, мусулмон бўлмас эмиш, Тома-тома қўл бўлур деганлари рост экан, То умрбод ўқмаса ким акли ҳам тўлмас эмиш, Ватан тўроғига бош қўймагунча хаста ҳам, Ҳаётдан умид узмай жон таслим қилмас эмиш».

Ҳалқимиз севиб тинглайдиган ушбу қўшиқнинг тўғилиши ҳақида муаллиф шундай ёзади: «Онам ўз уйинг — ўлан тўшагининг ҳеч нарсасига алиштириб бўлмайди, киндик қонинг тўқилган тўпроқ сени кўтариб юрибди, ризқингни бериб турибди, — дердилар. Шунингга шўрк қилиб, унинг ашуласини айтмасанг нонқўрлик бўлади».

Китобнинг яна бир эътиборли жиҳати бор. «Устозлар сабоғи» бўлимида ўзбек адабиётининг етук намоёндалари Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Ойбек, Турбо

Тўла, Қуддус Мўхаммадий, Чустий ҳамда ўзбек мусиқачилик санъати даргалари Юнус Ражабий, Сулаймон Юдаков, Ганижон Тошма-тов, таникли бастакор Анор Назаров ҳақида ибратли ҳикоя ва ривоятлар ўқийсиз. Айниқса, устоз шогирдининг ҳалқимизга хос, бетакрор улғу инсоний фазилатлар сарчасмаси билан сўғрилган муносабатлари ёшларга ибрат бўлиши шубҳасиз.

Хуллас, китоб ҳақида яна кўп сўз юритиш мумкин. Фикримизни муаллифнинг қўлидаги оёқлари билан яқунлашни маъқул қўрдик: «Ҳаёт ҳамма нарсани ўз ўрнига қўярдик. Эзгу иш, эзгу сўз мангу қоларкан. Сизу бизнинг вазифамиз ёнимиздаги инсонларга эътиборлироқ бўлиш, ўғилларнинг меҳрини қозонишдан иборатдир».

Сайёра РИХСИЕВА,
«Тошкент ҳақиқати»
муҳбири.

СУРАТДА:
Барот Исроил бастакор
Анор Назаров билан.

Қизуқчилар ҳаётмуган

не берасиз?

Пийда кишига Хева камида бир ҳафталик йўл эди. Хон қулди:
— Агар қалъага мендан олдин кирсанг, битта йўрга от миндираман.
Арқони давлатини эргаш-

олинг. Яқинда бу ердан карвон ўтади. Шунга қўшилиб кетарсиз.

Гулмат ўқ тортти бош чайқайди:
— Хеч илоҳи йўқ, чиромим. Тезроқ шаҳарга бормасам бўлмайди. Мени шерик-

ГУЛМАТНИНГ САМАН ОТИ


тириб, ҳукмдор жўнади. Гулмат осмонга ўрлаётган оқимтир тўзонга қараб ҳаёл суриб қолди. Кейин битта саксовул тагига ўтирди. Белбоғидан нон олиб ўшатди, сопол қосадан сув ичди. У қайққа боришини, нима қилишини билмасди.

Нихоят, ўрнидан турди-ю, таваккал деб кун ботишга қараб юрди. Олисда қора тепалик кўринди. Яқинлаб борса, ўтов экан. «Хайрият, ўлмайдиган бўлдим», деди қизикчи ва салом бериб ичкари кирди. Ўтов йил ўн икки ой Қорақумда қўй боқадиган бир чўпонники эди. Гулмат ўзини табиб деб таништирди.

— Дори-дармон бўладиган гиёҳларни теришга чиққан-дим, — деди қизикчи, — эшагини чаён қилиб ўтирдим. Сизни қора торттиб келдим.

Чўпон уни сўт-қатик, това нон, яхна гўшт билан меҳмон қилди.

— Хафа бўлманг, ёшулли, — деди, — беш-ўн кун дам



ларим қутиб ўтирибди. Мана, бир ҳовч захарли ўт териб қўйдим. Хонни ўлдиришимиз керак. Бу лаънати хонни йўқотмасак, қонимизни ича бошлайди.

Чўпоннинг ранги қув оқарди. Довдираб, у ёқ бў ёққа қаради-ю, иргиб туриб, ташқарига отилди. Қайтиб кириб, қамчисини олди.

— Мен ҳозир келаман, сиз бемалол ўтириб туринг, — деди ва елиб чиқиб кетди.

Салдан кейин ўтов сиртида отнинг дупури эшитилди. Чўпон бечоранинг юраги

КАРНОКЛИ.

САҲНАДА —
«ЖАҲОН ОТИН
УВАЙСИЙ»

Ўзбек Миллий академик драма театрида Зулхумор Солиева асариди «Жаҳон отин Увайсий» спектаклининг премьераси бўлиб ўтди.

Спектаклдаги воқеалар ўзбек мумтоз шеърининг ёрқин намоёндаларидан бири — Увайсийнинг мураккаб ҳаёти, фаолияти ва ижодини акс эттирган. Айни пайтда томошабин асар орқали ўн саккизинчи асрда Қўқон хонлигида кенг замиратилган вазиятлар билан боғлиқ воқеа ва маълумотлардан бохабар бўлади.

Спектакль режиссёри — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Валихон Умаров. Мусиқаларни композитор Анор Назаров ёзган. Саҳна безаклари ва либослар эскизларини расмолар Умида Эрматовна ҳамда Севара Зунунова тайёрлаган. Асосий ролларни Саида Рамаева, Раъно Ярашова, Махфуза Боботиллаева, Махмуд Исмоилов, Учқун Тиллаев сингари актёрлар ижро этмоқда.

Н. УСМОНОВА,
Ўза муҳбири.

Аъзам АЗИМИЙ



— Сенинг ёнингда бироз ўтирмакчи, — деб ёнингдан қўйинмас «меҳмон»га ишора қилди-да, уни «қўтариб» ёнингга ўтказгандек бўлди. Кроватдаги ўрин наза-ринда бироз чўкди. Қўлимга қимингиди қичкинагина кафти текканда эса, сеска-ниб, ўзимдан кетаёзим. Назаримда мен ҳам ақлдан озиб, жинни бўлаётган эдим...

Чамаси икки соатлардан кейин Ливия хонага кириб, бояги қўйинмас «меҳмон»ни «қўтарди»-да:
— Меҳмонлар кетишяпти, хайрлаш, — деб қоридорга йўналди.

Ливия «меҳмонлар»ни тақаллуфлар билан қуздати. Эшик ёпиқча, сал ёнгил торттиб, кроватга қўйилди.
— Бизларни никоҳимиз билан табриклагани келишибди. Хурсанд бўлиб қайтишди, — деди Ливия ёнингга ўтириб.

Мен бирор нарсга дейишга лойиқ гап топпайми, индамай ётардим. Ливия кўзимга энди аввалгидек қўйинмас, орамизга совуқлик оралагандек эди. У ҳам индамай, елкамга бошини қўйганча, сочимни майин бармоқлари билан силаб, нималариндир ўйлаб ётарди.

— Меҳмонларинг қимлар эди? — деб қизикқан бўлдим.

— Сен ва мен томондан келган руҳлар, — деб Ливия жонлиб кетди-да, сўнгра:
— Мен томондан бешта, сен томондан эса учта рух, — деб қўшиб қўйди.

Атеистик руҳда тарбияланган мендек одам ўша пайтда руҳга ишонмас, ундай сўзни ишлатган одамни, албатта, жиннига қиярдим. Шунинг учун миямда пайдо бўлган режамни тўқиб-солдим:

— Худо хоҳласа, бу йил институтни тугатаман. Кейин сени юртимга олиб кетиб, қучли врачларга кўрсатаман.

Ғалим Ливияга жуда қаттиқ ботиб, ўрнидан турди-да, креслога ўтириб олди. Врач сўзи унга оғир ботгандир деб, жинчиларга «домла», «авлиё ота» сўзла-

(Давоми.
Боши ўтган сонларда).

ри маъқулроқдир деб ўйлаб, уни юпата бошладим:

— Майли унда «чилла ёсин» ўқийдиган ҳожи домлага олиб бораман.

Ливия хўнграб йиғлаб юборди. Нима қиларимни билмай, бақрайганча қолдим. Чунки уни бундай ҳолатда кўрмаган эдим-да. Қизнинг касаллигини била-туриб, мени у билан ёлғиз ташлаб кетган ота-онасидан ҳам хафа бўлиб кетдим. Улар уйда бўлишганида Ленинградда кетворадиган, деб куюндим. Яхиям масжиддаги на никоҳ ўқитдик, деб суюниб ҳам қўйдим. Агар ЗАГСдан ўтган бўлганимизда роса бошимга бало бўлар экан, деб қувонардим...

— Сени ҳамқир, менга ҳамдард бўласан деб ўйлов-дим, — деди Ливия йиғи аралаш.
— Сен эса мени ақлдан озганга, жиннига чиқариб, врачларга кўрсатмоқчи, домаларга ўқитмоқчи бўлаясан.

Ливия шундай куюниб йиғлардики, ёш болалардек энтиқиб-энтиқиб кетарди. Раҳим қилиб, уни қучиб, эркаламоқчи бўлган эдим, ўзини олиб қочди. Йиғиси тўхтаганда мовий кўзлари қизариб кетган эди.

— Сен ўзинг томондан келган руҳларнинг қимлиги билан қизикмадинг ҳам. Нахотки, у дунёни ўйламасанг? — деди гина билан.

— Ахир ўзинг ҳеч нарсга гапирма, ҳеч нарсга сўрама деган эдинг-ку, — деб ўзимни оқлашга ҳаракат қилдим.

— Сен томондан келган учта руҳнинг бири отанг томонидан бўвнинг. Сени уч ёшингача қўрққан сўти бериб боққан бўвнинг руҳи. Иккинчиси, дашти Кипчоқда минглаб йилқилари бўлган бобонг. Ҳақини эса икки ёшлигида ўлган уқаннинг руҳи...

Ливиянинг гапларини бўлмай тинглаб эканман, ҳалигина уни жиннига чиқариб, ҳатто, висолига осонгина етишганимга афсусланганимни эслаб, изтироб чекдим. Яраланган кўнглини кўтариш учун жонимни ҳам беришга тайёр эдим. Шунинг учун Ливиянинг ёшли кўзларидан ўпиб, уэр сўра-дим. У тинчланди. Мени кечирганингнинг аломати сифатида сочимни силаб қўйди. Сўнгра қўлчиликка мутлақо нотаниш ва ноёб қобилиятга эга бўлган одамлар ҳақида гапириб берди.

(Давоми бор).

ЎЗ ЭЛИНГДА

Ўзга юртда шох бўлгунча, Ўз элингда гадо бўл. Осмондаги моҳ бўлгунча, Она ерга фидо бўл. Қуруқ савлат — тоғ бўлгунча, Мард бўл, қадди расо бўл. Тикан босган боғ бўлгунча, Бир гарибга асо бўл. Яхка, ёлғиз — тоғ бўлгунча, Ҳақ дегуни садо бўл. Эл-юрт сотиб оқ бўлгунча, Ўз-ўзиндан адо бўл. Юрт шаънига доғ бўлгунча, Мангу қозинг қаро бўл. Ҳеч нафи йўқ соғ бўлгунча, Умри мотамасро бўл. Ёв қўлида тиг бўлгунча, Ибратли сўз — маъно бўл. Бенаф вақти чоғ бўлгунча, Бир хастага даво бўл. Ўзга юртда шох бўлгунча, Ўз элингда гадо бўл. Осмондаги моҳ бўлгунча, Она ерга фидо бўл.

ВАТАН МЕНМАН!

Ватан менман, Ватан сенсан, Бир сиким ҳокима эмас топан мол-дунёнг, Ватан халқдир, Тинч ўтган ҳар кунинг — чўнг бойлик — нақддир. Ватан — имондандир, деганлар ҳақдир. Она ер — бешинг, жаннатга эшигинг, Ўз уйинг, ўз жойинг беҳоро тақдир. Тўпроғи, ўлғоғи, янтоғи ҳам азиз, Тўқан элдан айри тушмасин тақдир. Диёрдан йироқда исламоқ сароб, Байри юртда кечган умр маъноси йўқдир.

БАРЧАГА

Барчага исм-шариф берган, ўзгага Хешу ақроболар сенинг қимлигинг, Ақлу идрок ато этган, бекорга ўхшамас, деб, Андишаси йўқ қимсаннинг этагин ушлама, деб. Покиза имон, эътикод — яшамас, деб, Бериблар виждон, орият, фаҳму гавҳари қалбингдадир, фарасат ила, Ниҳо келур, эзгу ишни, орқага ташлама, деб. Кераксиз ғам, андуҳ бирла қўйилган гашлама, деб.

ЁШ АВЛОД КЕЛАЁТИР

Ёш авлод келаётир орзуси буюк, ёрқин, Ўт чаклар қадамидан қудрати чексиз, тўлқин, Жисму танига сикмас, қалбиде ёнар ёлқин, Жазм этса тоғни талқон қилгудек бардам, дурқун, Авлодлар келаётир орзу буюк, ёрқин. Ўткир қўзида кўрдим Ватан келажагини; Нурли юзида кўрдим бахти қулажагини; Доно сўзидан билдим улуг бўлажагини;

Жазм этса тоғни талқон қилгудек бардам, дурқун, Авлодлар келаётир орзуси буюк, ёрқин, Боболар юртин кўз-кўз айлағай дунёларга, Истиклол қўшига талпинар, зиёларга, Баротдек алданмағай, қалғил рўёларга, Жазм этса тоғни талқон қилгудек бардам, дурқун, Авлодлар келаётир орзуси буюк, ёрқин.

Барот ИСРОИЛ.

Яна тўловлар ҳақида

ҲАҚИНИ ТЎЛАНГ,
ОЛАМ ГУЛИСТОНИ

Миллионлаб тўловлар мубоҳотида инсоният учун суб ба ҳаво энг зарур унсурлардан ҳисобланиб келган. Ҳозирги фан ва техника асрида, ахборот, коммунал хизматлари беқисс рибожланган даврда электр энергияси ҳам суб билан ҳаводек зарур неъматга, ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди.

Сув ва ҳаво табиий неъмат бўлса, электр энергияси инсон томонидан ўта мураккаб технологик жараёнларда ишлаб чиқарилади. Республикамизда истеъмол қилинаётган электр энергиясининг деярли 90 фоизи иссиқлик электр станцияларида газ, кўмир ва мазут ёқилиши ҳисобида ҳосил қилинади. Қолган ўн фоизгина дарёларда қурилган гидроэлектр станцияларида ишлаб чиқарилади. Истеъмолчиларга электр қуввати етказиб бериш учун ўн минглаб энергетиклар туну кун тинмай, машаққатли меҳнат қилмоқдалар. Демак, электр энергияси ўз-ўзидан оқиб келадиган табиат инъоми эмас. Уни ишлаб чиқариб, истеъмолчиларга етказиб бе-

риш жараёнлари жуда катта маблағ талаб қилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ушбу ҳаракатлар истеъмолчилар томонидан сарфланган энергия учун тўловлар ҳисобидан бўлиши керак. Агар тўловлар ўз вақтида, яъни ойма-ой тўланмаса, эртанги кунимизга етарли микдорда электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти бўлмайди, қаерлардадир энергияни узатувчи тармоқлар таъмирланмай қолди, эскириб, ўз хизматини ўтаб бўлган ускуналар янгиланмайди. Натижада, айниқса, қишлоқ-кировли қишлоқда уларимизда чироқнинг ўчиб қолши ҳолати кўпаяди.

«ТОШКЕНТ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ» очик акциядорлик жамияти.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИЛИГИ

Бош муҳаррир

Убайдулла

АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:

Хатлар ва оммавий

ишлар бўлими:

136-53-09.

Эълолар: 133-90-82,

136-53-54.

Манзилими:

700000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилик

кўчаси, 32.

Тошкент вилояти

Матбуот ва ахборот бошқармасида

03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти

компьютер марказида терилди ва

саҳифаланди.

Эълон ва билди-

рувлардаги факт

ҳамда далилларнинг

тўғрилиги учун ре-

клама ва эълон бе-

ривчилар масъулдир.